O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

# Ishonch

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

http://www.ishonch-doveric.uz

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2012-yil 3-mart № 28 (3065) shanba

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

*2012 йилнинг мамлакатимизда «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилингани юртимизда оила институтини янада мустаҳкамлаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, оила фаровонлигини ошириш борасида олиб борилаётган ишларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши шубҳасиз. Зеро, оила қадимдан жамиятнинг ҳал қилувчи бўғини, таянчи ва суянчи бўлиб келган. Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор бўлади.*

# Жамият ривожи, мамлакат барқарорлиги гарови

Президентимизнинг жорий йил 27 февралда қабул қилинган «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорида жамиятимиз, кундалик ҳаётимизда маҳалла институтининг мақомини ошириш, Мустаҳкам оила йили мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда маҳалла ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳамиятини, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда шакллантиришда уларнинг таъсирини кучайтиришга доир долзарб вазифалар белгиланган. Бу энг оммавий ташкилот — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юклайди.

Шу боис, Давлат дастури бажарилишида касаба уюшмаларининг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида Федерация кенгаши «Мустаҳкам оила йили» дастурини қабул қилди.

Оила — мустаҳкам қўрғон. Ана шундай такрорланмас, қиёси бўлмаган оила институтидан олдимизга қўйган ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш каби улуғвор мақсадлар йўлида самарали фойдаланишимиз лозим. Бунинг учун Президентимиз таъкидлаганидек, «Мамлакатимизда оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича янгитдан қабул қилинадиган қонунларда бугунги ва эртанги кунимиз талаблари акс этиши, амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, бу масалага жамиятимиз эътиборини янада кучайтириш» зарур бўлади.

Шу боисдан ҳам Федерация кенгашининг дастурида ***оиланинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга, оила институтини ривожлантиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришга доир таклифлар тайёрлаш ва тақдим этиш, амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ва ташвиқот ишларини олиб бориш*** каби масалалар белгилаб қўйилди.

Жумладан, дастурда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳасини ишлаб чиқишда иштирок этиш, Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси ўрин олган. Шунингдек, йил давомида ёш оилаларга яратилган имтиёзлар ҳақида ҳудудий бирлашмалар қошида ташкил этилган юридик маслаҳатхоналар ва «Ишонч» телефонлари орқали бепул ҳуқуқий ёрдам бериб борилади. Ёшларни иш билан таъминлашга қаратилган «Устоз-шогирд» тизимига асосан коллеж ўқувчиларига меҳнат муносабатлари бўйича ҳуқуқий ёрдам уюштириш кўзда тутилган.

Маълумки, мустаҳкам оила ва бахтли турмуш, аввалambor, оила қурадиган ёшларнинг ўзига, уларнинг ақл-заковати, маънавий фазилатларига, оила, жамият олдидаги ўз бурчи ва масъулиятини чуқур англаб етишига боғлиқ. Бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор этолмайди. Лекин, энди пайдо бўлган, катта умид билан ҳаётга қадам қўяётган ёш оилани моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, уларга кўмак, имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш, аввало, уй-жой билан таъминлаш — буларнинг барчаси учун нафақат ота-оналар, биринчи навбатда, давлат ва жамият масъулдир, десак, муболаға бўлмайди.

Дастурга кўра ***ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, жумладан, шинам уй-жой билан таъминлаш, зарур имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш*** касаба уюшмаларининг ҳам асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган.

*(Давоми 2-бетда).*

## Қўшма корхонада касаба уюшма ташкилоти

Чирчиқ шаҳрида жойлашган МЧЖ шаклидаги «EUROTEX» Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонаси ҳамда Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят кенгашининг Чирчиқ шаҳридаги мувофиқлаштирувчи кенгаши ташаббуси билан корхонада ташкил этилган янги бошланғич касаба уюшма ташкилоти 1030 нафар аъзони қамраб олди. Эндиликда ишчи-ходимлар манфаатлари ҳимоясига эътибор янада кучайиши шубҳасиз.

Таъкидлаш жоиз, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар бежиримлилиги ва сифати билан харидорларга манзур бўлаётир. Аҳамиятли томони шундаки, пахта хомашёсидан маҳсулот тайёр ҳолга келгунга қадар жараён корхонанинг ўзида бажарилаяпти. Ишловчиларнинг меҳнатини енгиллаштиришда бу ерга ўрнатилган замонавий технологиялар қўл келмоқда. Тайёр маҳсулотларнинг катта қисми экспорт қилинмоқда.

Дарвоқе, корхонада оилавий ишлаётганлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Чирчиқлик Руслан ҳамда Саодат Хўжаназаровлар оиласи шулар жумласидан.

— Корхонадаги фаолиятимиз туфайли оиламиз фаровонлиги таъминланмоқда. Яна бир муҳим жиҳати, бу ерда ишчилар учун барча шароитлар яратилган, — дейди Р.Хўжаназаров. — Ишонамизки, корхонамизда бошланғич касаба уюшма ташкилотининг тузилиши ходимларнинг ижтимоий ҳимоя кафолатларини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Янги кун янгиликлари

***Деновлик тадбиркор Юсуф Мирзаев раҳбарлигидаги «Деновфайз» масъулияти чекланган жамияти аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш соҳасида қулайлик яратиб келмоқда.***

Ўтган йили корхона сармояси ҳамда банк кредити ҳисобидан «ISUZU» русумли автобусдан бир нечтасини харид қилиб, Денов шаҳри ва Денов туманидаги қишлоқ аҳолисига транспорт хизмати кўрсатишни йўлга қўйди.

Яқинда, ишбилармон яна 18 та автобус сотиб олиб, «Денов — Узун», «Узун — Денов» йўналиши бўйича қатновни йўлга қўйди.

— Ҳалол рақобат натижасида, мазкур йўналишда йўлкира нархи анча арзонлашди, — дейди Юсуф Мирзаев.

**Рустам ДАВЛАТОВ, «Ishonch» мухбири**

***Балиқчи туманининг Ўрмонбек қишлоғида фаолият юритаётган «Хуанси-керамик» корхонасининг маҳсулотлари тобора харидоргир бўлиб бормоқда.***

Хитойлик ҳамкорлар билан тайёрланаётган гулли чойнак, ваза ва ликопчалар кўпчиликка манзур. Ҳозир корхонада 5 нафар хитойлик мутахассис 25 нафар қишлоқ ёшларига ишлаб чиқариш технологиясини ўргатмоқда.

Корхона раҳбари Қаҳрамон Ураимжоновнинг таъкидлашича, ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва даромадларни ошириш ниятида янги технологияларни татбиқ этишни режалаштирган. Натижада, жорий йилнинг иккинчи ярмига бориб, яна 100 нафар ўрмонбекликлар муқим иш ўрнига эга бўлади.

**А.ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири**

Давра суҳбати

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан ҳамкор ташкилотлар билан «Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзуида давра суҳбати ташкил қилинди. Унда Республика Жўқорғи Кенгеси, хукумати, қатор вазирлик ва жамоат бирлашмалари вакиллари иштирок этишди.**

# Ижтимоий шериклик тамойиллари асосида

— Президентимизнинг 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» мавзусидаги маърузаси мамлакатимиз тараққиётида янги босқични бошлаб берди, — деди бирлашма раиси Соғиндиқ Ниетуллаев. — Ушбу Концепция асосида ижтимоий шериклик тамойиллари кенг йўлга қўйилиб, жамоат ташкилотлари фаолиятини янада яхшилаш чоралари кучайтирилди. Ўтган йили қабул қилинган Бош келишув нафақат касаба уюшмаларининг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашда, балки меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этяпти.

Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари томонидан ҳам ижтимоий шериклик асосида меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қатор ишлар бажарилмоқда. Жумладан, ўтган йили иш берувчи маблағлари ҳисобидан 3800 дан зиёд кам таъминланган оила фарзандларига 292 млн. сўмлик ўқув қўлланмалари олиб берилди. 40 та талабанинг контракт пулларининг маълум қисми тўлаб берилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ажратилган 20 млн. сўм миқдоридаги фоизсиз кредитлар Қорақалпоғистоннинг чекка туманларида янги тадбиркорлик субъектларининг иш бошлашига, уларда 20 нафардан ортиқ хотин-қиз учун иш ўрни яратилишига сабаб бўлди.

Давра суҳбатида Вазирлар Маҳкамаси Мажлисида Президентимизнинг республиканинг 2011 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2012 йилдаги устувор вазифаларга бағишланган маърузасидан келиб чиққан ҳолда касаба уюшмаларининг жорий йилдаги фаолиятининг асосий йўналишлари, ижтимоий шерикликни янада ривожлантириш ва бошқа қатор масалалар муҳокама қилинди. Ушбу йўналишларда учраётган айрим муаммолар тилга олиниб, уларни бартараф қилишда ижтимоий шерикликнинг аҳамиятига тўхталиб ўтилди.

**Маҳмуд СОДИКОВ, Қорақалпоғистон Республикаси молия вазири:**

*— Бюджет барқарорлигини таъминлаш бугунги кундаги энг муҳим вазифалардан саналади. Жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган пайтда Президентимизнинг оқилона сиёсати туфайли юртимиз тараққиёт йўлидан бориб, юксалишлар сари дадил одимламоқда.*

*Қорақалпоғистонда ҳам кенг кўламли қурилиш, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Маҳаллий бюджетдан ҳар йили 11 млрд. сўмдан зиёд маблағнинг айнан ободонлаштириш тадбирларига ажратилиши аҳоли фаровонлигида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўтган йили маҳаллий бюджетдан аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий муҳофаза қилишга 77 млрд. сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Бу йил ушбу миқдор 86 млрд. сўмни ташкил этиши кўзда тутилмоқда.*

*Эндиликда умумтаълим мактабларидаги ногирон болаларни уйига бориб ўқитадиган ўқитувчиларнинг йўл ҳақлари ҳам бюджет маблағи ҳисобидан қопланадиган бўлди.*

**Баҳром ГУЛИМОВ, Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт вазири:**

*— 2011 йилда республикамизда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 112 фоизни ташкил қилди. Экспорт ҳажми эса 106 млн. АҚШ долларига тенг бўлди. Иқтисодиётни янада ривожлантириш мақсадида бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Жумладан, Устюрт-Сурғил кони базасида газ-кимё кони қурилиши бошланди. Кейинги икки йилда 12 та енгил саноат корхонаси фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида 74 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ўзлаштирилди.*

*Қорақалпоғистон овулларида намунавий лойиҳалар асосида турар-жойлар қурилиши жадал суръатларда давом этмоқда. Ўтган йилларда 755 та янги турар-жой, шунингдек, 59 та ижтимоий инфратузилма объекти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мустаҳкам оила йилида 400 та янги турар жой ва 15 та ижтимоий инфратузилма объектлари қурилиши режалаштирилган. Бу йилги бунёдкорлик ишлари Нукус шаҳрини ҳам қамраб олади. Жумладан, «Қорақалпоғистон» кўчасида юзга яқин уч қаватли турар-жойлар қурилиши белгиланган.*

* * *

**ХОРАЗМ** вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида ҳам шу мавзуда бўлиб ўтган давра суҳбати савол-жавоб ва баҳс-мунозараларга бой бўлди.

Давра суҳбатини бирлашма раиси Бекчанбой Матякубов олиб борди.

Вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи Рашид Собиров амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, 2011 йил якунлари ва 2012 йилдаги устувор вазифалар хусусида кенг тўхталиб ўтди.

Молия бошқармаси ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни молиялаштириш бўлими бошлиғи Шуҳрат Отажонов, адлия бошқармаси бўлим бошлиғи Ўктамбой Абдуллаев, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Хушнуд Ваисов, Марказий банк вилоят бош бошқармаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Тўлқинбой Кўчқоров, халқ таълими бошқармаси бошлиғи Эргаш Худойназаров ва бошқалар кун тартибидаги масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**Сайёра АБДИКАРИМОВА, Хоразм вилояти ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси:**

*— Ушбу ерга йиғилган барча ижтимоий шерикларнинг мақсади — юртдошларимизнинг ижтимоий-иқтисодий муҳофазасини янада кучайтириш, улар учун муносиб иш шароитлари яратиш, иш ҳақларининг вақтида тўланишини таъминлаш, бунинг эвазига аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилаш. Бу борада касаба уюшмалари томонидан амалга оширилаётган ишлар алоҳида эътирофга лойиқ. Айниқса, хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси чора-тадбирлари ниҳоятда самарали бўляпти. Хотин-қизларни спортга жалб қилиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказишда комиссиянинг ўрни катта бўлмоқда.*

**Ўринбой АБДУЛЛАЕВ, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти ҳудудий бирлашмаси раиси:**

*— Ҳамкорлигимиз асосида амалга оширилиши керак бўлган вазифалар хусусида кенгашиб олдик. Муаммоларга кўпроқ эътибор қаратилгани, улар ечими юзасидан алмашилган фикр-мулоҳазалар ўз самарасини беради, деб ўйлайман.*

***

Давра суҳбатларида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими етакчи мутахассиси Икром Юнусов сўзга чиқиб, Бош келишув, унинг негизида ташкил қилинаётган тармоқ келишувлари, жамоа шартномаларининг меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилишда тутган ўрни, улар ижросини таъминлашга эътиборни янада кучайтириш хусусида фикр билдирди.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА, «Ishonch» мухбири**

Касаба уюшма қабулхонасида

**Ўтган йили «Ўзбекистон касаба уюшма ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида»ги Низомнинг янги таҳрири тасдиқланди. Тармоқ касаба уюшмаларидаги ҳуқуқий хизматлар марказлаштирилиб, бу вазифа вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлимига юклатилди. Сирдарё вилоят КУТБК юридик бўлимига ўтган йили 17 та ёзма мурожаат келиб тушди. Шундан ўнтаси меҳнат шартномаларининг иш берувчи томонидан ноқонуний бекор қилиниши, олтитаси иш ҳақини ундириш, биттаси ишга жойлаштириш масалаларида. Барча аризалар вақтида ўрганилиб, ижобий ҳал этилди.**

# Қонуний ҳуқуқлари тикланди

Вилоят ўсимликларни карантинлаш инспекцияси ходимлар бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб келган У.Мардибекова аризаси ўрганилганда иш берувчи томонидан меҳнат шартномаси ноқонуний бекор қилингани аниқланди. Касаба уюшма тақдимномасига асосан У.Мардибекова вазифасига тикланди.

Шунингдек, касаба уюшмаси аралашуви билан ноқонуний ишдан бўшатилган Боёвут туман почта бўлими хат тарқатувчиси Р.Бадалова, Гулистон шаҳридаги 5-умумтаълим ўрта мактаб ўқитувчиси Н.Ҳамидова, «Гулистон телеком» ОАЖ ходими Ў.Айходжаев, «Халқ банки» Гулистон шаҳар филиали амалий бўлим мутахассиси Ж.Имомовнинг ҳуқуқи ҳимоя қилинган.

Иш ҳақидан қарздорликни бартараф қилиш борасида ҳам касаба уюшмаси юридик бўлими самарали фаолият олиб бормоқда. Ўтган йили Сирдарё ва Оқолтин туманларидаги МТП ОАЖлари ходимлари иш ҳақларини вақтида ололмаётганлиги ҳақида бўлимга мурожаат қилган эди. Ушбу ташкилотлар билан олиб борилган музокаралар натижа бермагач, фуқаролик ишлари бўйича вилоят судига даъво аризаси киритилди. Суд қарорига асосан оқолтинлик ишчиларнинг 24 млн. 559 минг 770, сирдарёлик ишчиларнинг 16 млн. 494 минг 412 сўмлик иш ҳақи ундириб берилди.

Фуқароларнинг пенсия таъминоти, иш билан таъминлаш юзасидан маслаҳат сўралган 72 та оғзаки мурожаатга тегишли жавоб қайтарилди. Вилоят КУТБКда «Ишонч телефони» мунтазам ишлаб турибди. Ўтган йили 27 нафар фуқаронинг телефон орқали қилган мурожаати юзасидан зарур маслаҳатлар берилди.

Ҳуқуқий саводхонлик ва маданиятни ошириш мақсадида 15 та семинар ва очиқ мулоқотлар ўтказилди. Уларда меҳнат қонунчилигига риоя этилиши, унинг амалда қўлланилиши, одам савдосига қарши кураш ва бошқа қатор мавзуларда тушунчалар берилди.

**Ш.УМАРАЛИЕВА, Сирдарё вилоят КУТБК юридик бўлими мудири**

Ishonch
2012-yil 3-mart № 28 (3065)

# Жамият ривожи, мамлакат барқарорлиги гарови

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Бу борада, айниқса, корхона, ташкилот ва муассасаларда имзоланадиган жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 1000 нафар кам таъминланган оилалар вакилларига ёрдам кўрсатиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун 1000 нафар оилага фоизсиз ссудалар бериш белгиланган. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган оилали 1500 нафар талаба учун шартнома пулларининг бир қисмини корхона ҳисобидан тўлаш, тармоқ корхоналарида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 50 минг нафар фарзандлари учун дарсликлар, ўқув қуроллари харид қилиш харажатларини қисман қоплаш, кам таъминланган оилаларнинг 30 минг нафар фарзандлари учун болалар соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланмалар қийматини қоплаш каби вазифалар ҳам юқоридаги мақсадларга хизмат қилади.

Ҳудудларда, айниқса, қишлоқ жойларида кичик корхоналар ташкил этиш орқали ёш оилалар учун 1500 та иш ўрни яратиш кўзда тутилмоқда.

Федерация кенгаши томонидан белгиланган Дастурда, шунингдек, ***жамиятимиз ва кундалик ҳаётимизда маҳалла институтининг ролини янада кучайтириш, Мустаҳкам оила йили мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда маҳалла ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳамияти, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш ва шакллантиришда уларнинг таъсирини кучайтириш, ёш оилаларга зарур кўмак бериш*** каби муҳим йўналишларга алоҳида аҳамият берилди. Бунинг учун фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда корхона, ташкилотлар жойлашган маҳаллаларда «Энг аҳил спортчи оила» оилавий спорт тадбирларини ўтказиш, ёз мавсумида маҳаллалар маблағидан эҳтиёжманд оилалар фарзандларини соғломлаштириш оромгоҳларида дам олдиришни ташкил этиш белгиланган.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Оила олдида турган вазифаларни ҳар томонлама амалга ошириш — аввалambor, моддий, маънавий, бугун ўта долзарб бўлиб бораётган тарбиявий муаммоларни ечиш, оиланинг барча-барча ташвишларини осонлаштириш каби муҳим масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ». Модомики, шундай экан, ***оила, биринчи навбатда, эҳтиёжманд оилаларнинг муаммоларини ҳал этишда давлат ва жамият томонидан ғамхўрлик қилишни янада кучайтириш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жумладан, фарзандларини тарбиялашга кўмаклашиш, муносиб турмуш шароити яратиш*** энг муҳим вазифалардан биридир. Бу борада, айниқса, оилани мустаҳкамлашда асосий юкни ўз елкасига олган аёлларимизга эътибор қаратиш лозим.

Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун:

- республика миқёсида «Касаба уюшмалари — болаларга» акциясини ўтказиш;
- «Зомин», «Оқтош», «Чортоқ» санаторийларида болалар учун ўйингоҳлар ва спорт иншоотлари ташкил этиш;
- нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан эҳтиёжманд оилаларга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига консультатив, ҳуқуқий ва ташкилий ёрдам кўрсатиш мақсадида «Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ахборот марказларини тузиш» лойиҳасини амалга оширишда иштирок этиш;
- болалар, ёшлар ва эҳтиёжманд оилаларнинг бепул маданий дам олишларини ташкил этиш;
- олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган 100 нафар кам таъминланган иқтидорли талабаларга касаба уюшмаларининг стипендиясини жорий этиш каби вазифалар белгиланди.

***«Соғлом оила — соғлом фарзанд» тамойилига мувофиқ оила саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш*** мақсадида республика касаба уюшмалари сиҳатгоҳларида эҳтиёжманд оилалардан 500 нафар аёлларни бепул соғломлаштириш, 100 нафар ишлайдиган ёш оилаларга 200 дона имтиёзли йўлланмалар ажратиш орқали соғломлаштириш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, 1000 нафар ёш она ва уларнинг болаларини соғломлаштириш, қишлоқ ҳудудида жойлашган санаторийлар атрофида яшовчи 5 мингта оила аъзоларини, 1,5 минг нафар боқувчисини йўқотган болаларни, 500 нафар ногиронларни талаб асосида бепул тиббий кўрикдан ўтказиш ва амбулатор шароитида даволаш кўзда тутилган.

«Соғлом оила — соғлом фарзанд» шиори остида «Соғлом оила — жамият таянчи» Республика оилавий спорт мусобақаси ҳамда Ҳотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда аёллар спорт фестивалини ўтказиш орқали нафақат оилаларнинг спортга бўлган муносабатини ўзгартириш, балки саломатлигини мустаҳкамлашга кўмаклашиш кўзда тутилган.

Дунёқараши, мақсад ва вазифалари бутунлай ўзгача бўлган янги авлодни тарбиялаш, уни турли-туман ёт таъсирлардан асраб-авайлаш, ҳеч кимдан кам қилмай вояга етказишда оила институти, шубҳасиз, мустаҳкам ўрин тутади. Бунинг учун, айниқса, ***жамиятимизда маънавий негизларни янада ривожлантириш, азалий миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятимизда юксак маънавий муҳитни кенг қарор топтириш, миллий менталитетимизга мутлақо зид бўлган ва кучайиб бораётган ҳар қандай зарарли таъсирларга қарши туришда оиланинг роли ва аҳамиятини ошириш*** лозим.

Касаба уюшмалари томонидан жорий йилда ҳам оилаларда маънавий соғлом ва етук фарзандлар тарбиясини шакллантириш мақсадида корхона, ташкилот ва муассасаларда ишловчи ёшлар орасида жиноятчилик, безорилик, ичкилик ва гиёҳвандликни олдини олиш мақсадида маънавий-маърифий ҳамда ҳуқуқий тадбирлар ташкил этилади.

«15 май — Халқаро оила куни» муносабати билан «Биз — бир жамоамиз, биз — бир оиламиз» ижтимоий ёшлар акциясини ташкил этиш, ёшлар лойиҳаларини амалга ошириш бўйича форум, ярмарка ва конференциялар ўтказиш шулар жумласидандир.

***Жисмонан соғлом, маънан етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ўрнини кучайтириш таълим-тарбия муассасалари билан оила институтининг ўзаро ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг яқин ва самарали ҳамкорлигини таъминлаш*** га боғлиқ. Ана шу мақсадни амалга ошириш учун Касаба уюшмалари Федерацияси Ўқув маркази дастурига «Мустаҳкам оила — жамият таянчи» мавзуси киритилди. Олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида эса «Янги ҳаёт бўсағасида» номли қизлар ва йигитлар клубини ташкил қилиш белгиланди.

***«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг мақсад ва аҳамияти, унда белгиланган вазифалар бажарилишининг бориши тўғрисида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш*** ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Корхона, ташкилот, муассасаларда ўтадиган «Маънавият соатлари» дастурига «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг аҳамияти, унда белгиланган вазифалар йўналишларини меҳнаткашлар ўртасида тарғиб этиш мақсадида «Соғлом ва мустаҳкам оила — жамият ривожи, мамлакат барқарорлиги гарови», «Маънавият оиладан бошланади» каби мавзулар киритилмоқда.

Шунингдек, мазкур йўналишларда ижодий танловлар ва тадбирлар ўтказиш, жумладан, ОАВ ходимлари ўртасида танловлар, «Озод юрт тўлқинлари» ва «Ёшлар парвози» медиа-фестивали, ёш журналистлар ўртасида икки босқичли «Йилнинг энг фаол ёш журналисти» Республика кўрик-танловини ўтказиш белгилаб қўйилди.

Юқорида қайд этилган барча чора-тадбирларни амалга оширишда касаба уюшмалари ташкилотлари тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимликлар билан ижтимоий шериклик асосида яқин ҳамкорликда иш олиб боришлари белгилаб олинди.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг «Мустаҳкам оила йили» дастури мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, жамиятимизда оила институтининг ролини мустаҳкамлаш, айниқса, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш йўналишидаги кенг кўламли ишларни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшади.

**Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# Бандликка кўмак

**Самарқанд шаҳридаги «Сино» очиқ акциядорлик жамиятида аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жалб этиш мақсадида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.**

Шаҳар ҳокимлиги, вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси, вилоят ҳарбий прокуратураси, шаҳар Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган ярмаркада юзга яқин корхона ва ташкилот 1 минг 162 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

Ярмаркада қатнашган аҳоли ва коллеж битирувчиларининг 100 нафарга яқини ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлашди.

**Суратларда: ярмаркада; Самарқанд автомобилсозлик коллежи битирувчилари (ўнгдан) Шероз Каромatов, Баҳодир Нуриддинов, Орзумурод Назаров.**

**Алишер ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган суратлар**

## Ўқув-семинар

***Меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, аъзолик афзалликларини асослашда жамоа шартномаларининг ўрни катта.***

# Таъсирчанлик

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши томонидан ташкил қилинган ўқув-семинари айнан жамоа шартномаларининг таъсирчанлигига қаратилди. Унда тармоқнинг туманлар ва бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар корхона, ташкилот ва хўжаликларда жамоа шартномалари, келишув ва битимларни тузиш, қабул қилиш, экспертизадан ўтказиш, энг муҳими, бажарилишини таъминлашда нималарга эътибор қаратиш лозимлиги каби масалаларни атрофлича таҳлил қилиб бердилар.

Шунингдек, қатнашчилар АСМ ходимлари касаба уюшмаси Янгибозор туман кенгашининг жамоа шартномалари ижросини таъминлашдаги тажрибалари билан танишишди.

**Ўз мухбиримиз**

## Томорқа — тўкинлик манбаи

***Фарғона тумани Помир тоғлари этакларида жойлашган бўлиб, ёз бирмунча қисқа, қиш эса совуқ ва қорли кечади. Бу ерларда деҳқончилик қилишнинг мураккаб томонлари бор. Шунга қарамай, аҳоли ўзига қарашли томорқа майдонларида боғ ва токзорлар ташкил этиш, сабзавот ва полиз экинлари парваришлаш билан астойдил шуғулланади.***

# Ҳаракатда барака

— Туманимизда 1388 гектардан ортиқ томорқа майдони мавжуд, — дейди Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Зокиржон Усмонов. — Улардан унумли фойдаланиш, мўл-кўл сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева ва узум етиштириш бўйича туман миқёсида махсус дастур ишлаб чиқилган. Дастур ижросини таъминлаш мақсадида ташкилий ишлар амалга оширилди. Айтайлик, ҳар юз хонадонга вакиллар бириктирилган бўлиб, улар хонадон паспортини ташкил этишга кўмаклашади, томорқага турли экинлар экишда, уруғлик етказиб беришда, минерал ва маҳаллий ўғитлар билан таъминлашда оила эгаларига ёрдам беради. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, кўмакка муҳтож оилаларга томорқадан кўнгилдагидек ҳосил олиш учун тегишли йўл-йўриқлар кўрсатилади. Яқинда 60 та хонадоннинг ҳар бирига 100 бошдан парранда етказиб бериш бўйича ҳомийлар бириктирилди. Уларни боқишга кўмаклашиш учун жойлардаги касб-ҳунар коллежлари талабаларидан иборат гуруҳлар жалб этилди.

Томорқаларидан самарали фойдаланаётган хонадонлар туманда кўп. Жумладан, Хонқиш қишлоғида яшовчи Юрсинхўжа Самиевларнинг 13 сотих томорқа майдони мавжуд. Улар ўтган феврал-март ойларида ўз иссиқхоналарида етиштирилган маҳсулотлардан 6 миллион сўмлик помидор, 5 миллион сўмлик бодринг, 2 миллион сўмлик қалампир сотишди. Томорқа атрофидаги токзордан эса 2 миллион сўмликдан ортиқ даромад қилинди.

— Беш бош қорамолимиз ҳам бор, — дейди Ю.Самиев. — Ўғлим Азаматжон эса 4 сотих майдонда иссиқхона ташкил этиб, лимон кўчатлари эккан. Насиб қилса, томорқадан келган даромад эвазига унинг оиласи учун замонавий тураржой қурмоқчимиз.

Шу қишлоқлик Иброҳимжон Туроповлар хонадони ҳам томорқадан унумли фойдаланиш бўйича эл оғзига тушган. Уларнинг 10 сотих еридаги узум, шафтоли, гилосдан салкам уч миллион сўмлик даромад олинди. Кичик иссиқхонада етиштирилган лимондан 2 миллион сўмга яқини сотилди. Бу хонадон аъзолари сабзавот харид қилиш учун бозорга чиқмайди. Картошка, пиёз, сабзи, помидор ва бошқа резаворлар томорқанинг ўзидан чиқади. Молхонада эса 3 бош қорамол бўрдоқига боқилмоқда.

Туробжон фермер хўжалиги ишчиси, хотини Сайёрахон уй бекаси, уч нафар фарзандлари бор. Томорқа орқасидан улар ўзига тўқ, тўкис.

Мўминжон Қўчқорбоевларнинг узум, гилос боғларидан ташқари товуқхонаси ҳам бор. 180 бош зотли паррандадан кунига 45-50 минг сўмлик тухум сотиб, йилига 8-10 миллион сўмлик даромад топишади. Азизахон Қўчқорбоевалар эса асосан қорамолчилик билан шуғулланади. Хонадоннинг қорамол боқиб сотишдан тушган даромади ойига 1 миллион 200 минг сўмга етади.

Ҳа, ҳали айтганимиздек, бундай гўшалар туманда кўп. Айни пайтда хонадонларда 162 та замонавий иссиқхона ишлаб турибди. Яна 100 та хонадонда шундай иссиқхона қуриляпти. Бу иш учун 600 миллион сўм сарфланиши кўзда тутилган. Иссиқхоналар гарчи аҳолининг ўз маблағи ҳисобига барпо этилсада, қурилишни амалга ошириш учун туман ҳокимлиги тарафидан 8 та қурувчи отряд ташкил этилди ва улар қатъий белгиланган график асосида ишламоқда. Туман банклари саноат усулида парранда боқиш, уруғлик, кўчат, иш анжомлари етказиб бериш учун томорқачиларга 300 миллион сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратишни режалаштирган.

**Алишер ИБОДИНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Конференция

# Ҳамжиҳатлик самараси

**Тошкент шаҳар 1-болалар клиник шифохонасида жамоа шартномаси бажарилиши якунига оид умумий йиғилиш бўлиб ўтди.**

Унда жамоа шартномаси юзасидан ўтган даврда амалга оширилган ишлар ҳақида касаба уюшма қўмитаси раиси Сайёра Йўлдошеванинг ҳисоботи тингланди. Жумладан, маърузачи соғлиқни сақлаш тизимида жамоа шартномалари ва келишувлари орқали кўпгина масалалар ечимини топаётгани, бу нафақат меҳнат муносабатларини самарали бошқариш, балки меҳнат шароитларини баҳолаш мезонларини келишиб олиш, шунингдек, меҳнат жамоаларида ҳамжиҳатликда ишлаш имкони яратилаётганини таъкидлади.

— Ҳозирда шифохонада 898 нафар ходим фаолият кўрсатаётган бўлса, шундан 832 нафарини аёллар ташкил этади, — деди С.Йўлдошева. — Ўтган даврда жамоа шартномасига асосан, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, уларга хавфсиз иш шароитларини яратиш, маънавий қўллаб-қувватлаш, саломатлигини мустаҳкамлашга асосий эътибор қаратилди. Жамоа шартномасида акс этган ҳуқуқлар, имтиёз ва мажбуриятларни бажариш йўли билан ходимлар ва иш берувчининг ижтимоий-иқтисодий манфаатини қамраб олишга эришилди. Хотин-қизлар учун қонунчиликда белгиланган ижтимоий-иқтисодий имтиёз ва кафолатларнинг тиббиёт муассасаларида бажарилиши доимий назоратга олинди.

Ходимлар, айниқса, аёллар ва ёшлар ўртасида миллий ғоя тарғиботи ва маданий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш мақсадида турли тадбирлар уюштирилаётир. Ўтган йили Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан 3 нафар ходим «Оқтош» санаторийсига ва ишловчиларнинг 25 нафар фарзанди «Қизилсой» дам олиш оромгоҳига бепул йўлланма билан таъминланди.

— Жамоа шартномасига асосан ходимларга барча шарт-шароит яратиб берилмоқда, — деди Тошкент шаҳар 1-болалар клиник шифохонаси бош шифокори Мавлуда Табибова. — Шифохонанинг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда шифокорларга қулайликлар яратиш мақсадида ўтган йили 12 турдаги замонавий диагностика ва даволаш жиҳозлари келтирилди.

Бу ерда «Устоз-шогирд» тизими асосида тиббиёт коллежлари талабалари касб сирлари билан таништириляпти. Жумладан, коллежларнинг иккинчи ва учинчи босқичларида таҳсил олаётган ҳар 10 нафар ёшга биттадан малакали тиббиёт ходими бириктирилган.

Йиғилишда жамоа шартномасининг бажарилиши қониқарли деб топилиб, тегишли вазифалар белгиланди.

**Нарзулла МАҲАМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Мажлис

***Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг IV мажлиси бўлиб ўтди. Унда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг 2011 йилда амалга оширган ишлари ва 2012 йилга мўлжалланган устувор йўналишлари тўғрисидаги масала атрофлича муҳокама этилди.***

# Меҳнаткашлар

Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси V қурултойи, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси V конференциясининг қарорларини ҳаётга татбиқ этиш борасида бирлашма ва унга аъзо ташкилотлар ўтган даврда муайян ишларни амалга оширди. Хусусан, ўтган йили вилоят ҳокимлиги, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси ўртасида 2011-2013 йилларга мўлжалланган минтақавий келишув имзоланди.

Касаба уюшмаларининг давлат ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро муносабатларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган ҳолда, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, молия бошқармаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ вилоят бўлимлари, вилоят бош тиббий эксперт комиссияси, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бирлашмаси билан қўшма қарорлар қабул қилинди. Шу асосда томонларнинг 2011-2013 йилларда ҳамкорликда амалга ошириладиган қўшма тадбирлар режаси тасдиқланиб, ижроси таъминланмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан жамоа шартномалари ва келишувлари орқали кичик бизнес субъектларига алоқадор кам таъминланган, боқувчисини йўқотган 1223 та оила фарзандларига дарслик ва ўқув қуроллари олиб берилди. Шунингдек, шу соҳага алоқадор кам таъминланган, 575 нафар ёш оила вакилларига 323 та корхона томонидан 44,7 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Мамлакатимизда бўлгани каби вилоятда ҳам боғ-роғларни кўпайтириш, томорқалардан унумли фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Маълумотларга кўра, вилоят бўйича 18 млн. 495 минг дона турли хил дарахт кўчатлари экилди. Бундан ташқари, ҳудуддаги 411 минг 960 та хонадон томорқаларига сабзавот ва полиз экинлари экилди.

«Бандлик» дастурига кўмаклашиш ҳам касаба уюшмалари эътиборидан четда қолмади. Ўтган йилда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда 87927 та (шу жумладан хотин-қизлар учун 38569 та) янги иш ўринлари яратилди ва дастур кўрсаткичи 101,2 фоизга бажарилди. Аҳолини иш билан таъминлаш бўйича масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда Қарши шаҳри ва туманларда 82 та меҳнат ярмаркаси ўтказилиб, 6810 нафар фуқаронинг ишга жойлашишига кўмаклашилди.

Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларга ёрдам бериш мақсадида касаба уюшмаларининг саъй-ҳаракати билан 972 та корхонада 5946 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди. Дарвоқе, ўтган йилда 563 млн. сўм иш ҳақидан муддати ўтган

Ishonch
2012-yil 3-mart № 28 (3065)



Касаба уюшма етакчилари

# Қирқ соатлик иш ҳафтаси

**Қирқ соатлик иш ҳафтаси тўғрисидаги 47-Конвенция Женевада 1935 йил 21 июнда Халқаро Меҳнат Ташкилоти Бош Конференциясининг 19-сессиясида қабул қилинган. У 1957 йилдан кучга кирган. Ўзбекистон мазкур ҳужжатга Олий Мажлиснинг 1995 йил 6 майдаги 83-1-сон Қарорига мувофиқ қўшилган.**

Ушбу Конвенцияни ратификация қиладиган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ҳар бир аъзоси:

a) қирқ соатлик иш ҳафтаси принципи ва меҳнаткашлар турмуш даражасининг пасайишига олиб келмаслигини;

b) ушбу мақсад ҳимояси учун мақбул ҳисобланадиган чора-тадбирлар кўрилиши ёки тадбирларга ёрдам бериш ҳамда шу принципни иш турларининг турли тоифаларига нисбатан (Ташкилотнинг мазкур аъзоси томонидан ратификация қилиниши мумкин бўлган) айрим конвенцияларнинг батафсил қоидаларига мувофиқ қўллаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Агар Бош Конференция мазкур Конвенцияни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқадиган янги конвенция қабул қилса ва янги конвенцияда зид келувчи қоидалар мавжуд бўлмаса, у ҳолда:

a) Ташкилотнинг бирор аъзоси томонидан қайта кўриб чиқилган янги конвенциянинг ратификация қилиниши, қонуннинг ўз кучи билан, 5-модда қоидаларидан қатъи назар, мазкур Конвенциянинг зудлик билан денонсация қилинишига олиб келади, бунда қайта кўриб чиқилган янги конвенция кучга кирган бўлиши керак;

b) қайта кўриб чиқилган янги конвенция кучга кирган санадан эътиборан, мазкур Конвенциянинг Ташкилот аъзолари томонидан ратификация қилиниши тўхтатилади.

Мазкур Конвенцияни ратификация қилган, аммо қайта кўриб чиқилган янги конвенцияни ратификация қилмаган Ташкилот аъзолари учун унинг амалдаги шакли ва мазмуни ўз кучида қолаверади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 114-116-моддаларига мувофиқ ходим иш тартиби ёки графигига ёхуд меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ ўз меҳнат вазифаларини бажариши лозим бўлган пайт иш вақти ҳисобланади.

Ходим учун иш вақтининг меъёридаги муддати ҳафтасига қирқ соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Олти кунлик иш ҳафтасида ҳар кунги ишнинг муддати етти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида эса саккиз соатдан ортиб кетмаслиги лозим.

Корхонада иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш жорий қилинган тақдирда ушбу Кодекснинг 123-моддасида назарда тутилган қоидалар қўлланилади.

Айрим тоифадаги ходимлар учун уларнинг ёши, соғлиғи, меҳнатнинг шартлари, меҳнат вазифаларининг ўзига хос хусусиятлари ва ўзга ҳолатларни инобатга олиб, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, шунингдек, меҳнат шартномаси шартларига биноан меҳнатга тўланадиган ҳақни камайтирмасдан, иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланади.

Иш вақтининг қисқартирилган муддати қуйидагилар учун белгиланади:

— ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар (242-модда);

— I ва II гуруҳ ногирони бўлган ходимлар (220-модданинг учинчи қисми);

— ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар (117-модда);

— алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимлар (118-модда);

— уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассаса ва ташкилотларда ишлаётган аёллар (228-1-модда).

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан келишган ҳолда тузилган «Идоравий мансублиги, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилот ички меҳнат тартибининг намунавий қоидалари»нинг 4.3-бандига биноан корхонанинг қуйидаги ходимлари учун иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланган:

— 16 ёшгача бўлган шахсларга — ҳафтада 24 соат;

— 16 дан 18 ёшгача бўлган шахсларга — ҳафтада 36 соат;

— I ва II гуруҳ ногиронларига — ҳафтада 36 соат.

Ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимларнинг вақти эса жамоа шартномасига мувофиқ қисқартирилади.

**Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими**

Бизга жавоб берадилар

## Нафақа пуллари

Қорақалпоғистон Республикаси Тахиатош шаҳри Керамзит посёлкаси 3-уй 2-хонадонда яшовчи Б.Шимбергенованинг таҳририятга йўллаган шикоят хати Тахиатош шаҳар прокуратураси томонидан ўрганилди. Б.Шимбергеновага қизининг ногиронлиги учун тўланиши лозим бўлган нафақа пуллари ДТ «Халқ банки» Тахиатош филиали томонидан тўлиқ тўлаб берилди.

**Қ.САЪДУЛЛАЕВ,**
**Тахиатош шаҳар прокурори адлия маслаҳатчиси**

## Ёзишмалар қачон тугайди?

***Ўтган йил декабр ойи бошларида Фарғона шаҳри Ломоносов кўчасидаги кўпқаватли 5-уй орқасида кутилмаганда кавлаш ишлари бошланиб кетди. Уй ортидаги газ тақсимлагичдан рўпарадаги маҳаллага қувур тортилармиш. Бироқ тақсимлагичдаги газ босими кўпқаватли уйнинг эҳтиёжини зўрға қондирарди. Фуқаролар бу масалада шаҳар газ идорасига мурожаат қилгач, иш вақтинча тўхтатилди. Бироқ барибир ой охирига бориб тақсимлагичдан С.Саҳобиддинов кўчасидаги тўртта хонадонга катта радиусли қувурлар орқали газ етказиб берила бошланди. Кўпқаватли уйда яшовчилар турли идораларга шикоятлар ёзишди. Аммо ҳеч қандай натижа бўлмади...***

Кейинги пайтда, яъни кузкиш мавсумида вилоятда шу каби «ёз-ёзлар»нинг авжига чиқиши ҳеч кимни ҳайратлантирмай қўйди. Бунга ҳудудда мавжуд энергия манбаларини адолатли тақсимлашдаги камчиликлар сабаб бўлмоқда.

— Маҳалламизда газ босими пасайиб кетганлиги тўғрисида шаҳар ҳокимлиги масъул ходимларига қўнғироқ қилсам, эшитишни исташмади. Хафа бўлиб республика идораларига шикоят хати йўлладим, — дейди Фарғона шаҳар Бурҳониддин Марғиноний кўчасида яшовчи М.Тожибоева.

Муносабат

Шаҳар газ идораси ходими билан суҳбатлашганимизда, у «уф» тортиб, М.Тожибоева 6 та республика идорасига шикоят йўллагани, энди уларга жавоб юбориш кераклиги хусусида нолиди.

— Ахир газ танқислиги вақтинчалик, баъзи қувурларни носозлиги туфайли келиб чиққан ҳол-ку, — дейди у.

Шундай экан, М.Тожибоеванинг шикоятига вақтида ва ўринли жавоб қайтариб, муаммони бартараф этиш лозим эди.

**Ҳамид ГИЁСОВ,**
**меҳнат фахрийси**

Шартнома — лафзи ҳалоллик дегани

***Хўжалик судларида кўриб чиқилаётган аксарият низолар таъминотчи, тайёрловчи ва хизмат кўрсатувчиларнинг шартнома шартларига амал қилмаслиги сабабли юзага келмоқда.***

# Хизмати — ҳай-ҳай, тўлови... бай-бай...

*Тошкент шаҳридаги 8-Автосарой ОАЖ Жиззах вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритиб, жавобгар — Дўстлик пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти ҳисобидан 5 млн. 257 минг сўм ундириб беришни сўраган.*

*Суд жараёнида аниқланишича, 8-Автосарой ОАЖ ҳамда Дўстлик пахта тозалаш ҲЖ ўртасида шартнома имзоланган бўлиб, унга асосан хизмат кўрсатувчи «Мерседес-Бенц» русумли 7 дона автоуловни бириктирилган ҳайдовчи билан техник соз ҳолатда буюртмачига жўнатиши, буюртмачи эса ҳужжатларни расмийлаштириб, кўрсатилган автохизматлар учун тўловларни вақтида тўлаши керак эди.*

*Бироқ 8-Автосарой мажбуриятни тўлиқ бажарган бўлсада, Дўстлик пахта тозалаш ҲЖ тўловни вақтида амалга оширмади. Бу тарафлар ўртасида тузилган ҳисоб-фактура ва таққослаш далолатномасида ҳам тасдиқланган.*

*Суднинг ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъвоси қаноатлантирилиб, жавобгар — Дўстлик пахта тозалаш ҲЖдан 5 млн. 257 минг сўм қарз, 105 минг 140 сўм давлат божи ҳамда бошқа харажатлар ундирилди.*

**Ж. АХБЎТАЕВ,**
**Жиззах вилоят хўжалик суди матбуот котиби**

**«Respublika mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 153-сонли карорига мувофиқ, Тошкент вилояти Прокуратурасининг 28.02.2012 йилдаги 77-сонли буйруғига асосан, Тошкент вилояти Прокуратурасининг балансидаги, Тошкент шаҳар Чўпон-ота кўчаси Ц-мавзесида сақланаётган «ГБА-СПГ-Нексия» русумли, д/р 10 515 SAA бўлган, 2001 йил и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 5 775 248 сўм.

**Аукцион савдоси 2012 йил 4 апрел куни соат 12:00 дан бошлаб ўтказилади.**

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 2 апрел куни соат 18:00.

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2012 йил 4 апрелдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 11 ва 18 апрел кунлари соат 12:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 11 апрелдаги такрорий савдолар учун 2012 йил 9 апрел куни соат 18:00; 18 апрелдаги савдолар учун 16 апрел куни соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор туман, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А»уй.

Спорт оламида

Касаба уюшма спорти

***Мустаҳкам оила йили муносабати билан меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларини жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти кенгаши томонидан Қибрай туманидаги «Ўзбекгеофизика» спорт мажмуасида мини футбол бўйича турнир ташкил этилди.***

## Соғлом турмуш асоси

Мусобақада тармоққа қарашли «Тошкент ИЭС» УК ва «Максам-Чирчиқ», «Аммофос-Максам», «Ўзбеккимёмаш заводи», «Ўзбеккўмир», «Ўзбекгеофизика», «Янги Ангрен ИЭС» ОАЖ ва «Ангрен ИЭС» ОАЖ жамоалари ўзаро куч синашди.

Қизғин беллашувлар остида ўтган мусобақада «Максам-Чирчиқ» жамоаси биринчи, «Ўзбекгеофизика» ОАЖ иккинчи ва «Аммофос-Максам» ОАЖ учинчи ўринни эгаллади. Шунингдек, «Энг моҳир дарвозабон» номинациясида «Ангрен ИЭС» жамоасидан Музаффар Зокиров лойиқ топилган бўлса, «Энг ёши улуғ иштирокчи» номинациясида «Ўзбекгеофизика» ОАЖда узоқ йиллардан бери меҳнат қилиб келаётган М.Нурохунов барчанинг эътирофига сазовор бўлди.

Ғолиблар ташкилотчиларнинг эсдалик совға ва дипломлари билан тақдирландилар.

**Равшан ЯЪҚУББОЕВ,**
**Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мутахассиси**

Шахмат

***Авиаходимлар касаба уюшмасининг 20 йиллиги арафасида «Ўзгидромет» ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК таркибий бўлинмалари хизматчилари шахмат бўйича мусобақалашдилар.***

## Ақл чархланди

«Ўзаэронавигация» маркази, Учувчилар мажмуаси, «Ўзгидромет», Ҳаво алоқалари бош агентлиги, «УАТ» авиакорхонаси, «МАИ» авиакомпанияси, «Тошкент», «Бухоро» ҳамда «Навоий» аэропортлари ходимлари иштирок этган мазкур турнир қизиқарли баҳсларга бой бўлди.

Жамоавий баҳсда пойтахт ҳаво маскани биринчи, «МАИ» авиакомпанияси иккинчи, «Ўзаэронавигация» маркази учинчи ўринни эгаллади.

Якка тартибдаги мусобақада А.Ҳайитов («МАИ» авиакомпанияси) биринчи, А.Мажидов («Тошкент» халқаро аэропорти) иккинчи ҳамда В.Пан (ҲАБА) учинчи ўринга сазовор бўлди.

Ғолибларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Тоғ чанғиси

***Эронда тоғ чанғиси бўйича ўсмир ва қизлар ўртасида Осиё чемпионати якунига етди. Йигирма биринчи бор ташкил этилган мазкур турнирда юртимиз вакиллари ҳам ғолиблик учун кураш олиб бордилар.***

## Олтин бўлмаса, кумуш-да...

1995-96 йилларда таваллуд топган ўсмирлар ўртасидаги супергигант баҳсларида истеъдодли спортчимиз Аркадий Семенченко кумуш медал соҳибига айланди. Яна икки нафар юртдошимиз Оксана Зуева ҳамда Артём Воронов 1992-94 йилларда туғилган ўсмир ва қизлар мусобақасида кумуш ва бронза медалларини қўлга киритдилар.

Супер комбинация йўналишида ҳам юқорида номлари зикр этилган спортчиларимиз биттадан бронза медали билан тақдирланишди.

Шунингдек, Артём Воронов слалом гигант ва махсус слалом мусобақаларида бронза медалларини терма жамоамиз ҳисобига ёзиб қўйди. Махсус слалом бўйича 1995-96 йилларда туғилган ўсмирлар баҳсида Аркадий Семенченко иккинчи бор кумуш медалига эгалик қилди.

Теннис



***Республика олимпия захиралари теннис мактаби кортларида теннис бўйича эркаклар ўртасида Ўзбекистон чемпионати ўтказилди.***

## Тажриба ўз сўзини айтди

Чемпионатнинг барча саралаш учрашувларини ўз фойдасига ҳал қилган Андрей Болдарёв ва Сардор Раҳимов финалда ўзаро куч синашди. Ҳал қилувчи беллашувда тажрибали Андрей Болдарёв ёш рақибини 6:4, 6:0 ҳисобида мағлуб этди.

Бронза медал учун беллашув пойтахтлик Санжар Файзиев андижонлик Жонибек Ўрозалиев ўртасида кечди. Учрашувнинг биринчи сетида 7:6 ҳисобида Санжарнинг қўли баланд келди. Жонибек Ўрозалиев жароҳати туфайли беллашувни давом эттиролмади ва бронза медали Санжар Файзиевга топширилди.

Ғолиблар халқаро турнирларда юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Баскетбол

**Аввал хабар қилганимиз — баскетбол бўйича эркаклар ўртасидаги Ўзбекистон кубоги баҳсларида Тошкент шаҳри вакили — Марказий ҳарбий спорт клуби (МҲСК) ғолиблигини қўлга киритди.**

## Кубок — ҳарбийларда

Мусобақада мамлакатимизнинг энг кучли саккиз жамоаси икки гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро куч синашди. Қоидага кўра, ўз гуруҳида биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар ярим финалга йўлланма олди.

«В» гуруҳида биринчи ўринни эгаллаган МҲСК баскетболчилари ярим финалда «А» гуруҳида иккинчи поғонадан жой олган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси устидан 75:46 ҳисобида зафар қучди. Иккинчи ярим финалда «А» гуруҳи ғолиби — «Сўғдиёна» (Навоий) баскетболчилари «В» гуруҳида иккинчи ўринни эгаллаган пойтахтнинг «Электроаппарат» жамоасига 61:65 ҳисобида ўйинни бой берди.

Тошкент шаҳрининг икки жамоаси ўртасида кечган финал баҳсида МҲСК вакиллари 65:49 ҳисобида ғалаба қозониб, мамлакат кубогини ўзиники қилди.

Учинчи ўрин учун учрашувда «Сўғдиёна» жамоаси Ўзбекистон ёшлар терма жамоасидан 84:65 ҳисобида устун келди.

**Адҳам АРСЛОНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# манфаати йўлида

қарздорлик ундириб берилди.

Ўтган даврда касаба уюшма органлари томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича 951 та корхона-ташкилот ва муассасанинг иш фаолияти ўрганилиб, меҳнат муҳофазасига оид 3210 та қоидабузарлик аниқланди ва 2924 таси бартараф этилди.

Вилоят бирлашмаси кенгашига 361 оғзаки ва ёзма мурожаат тушган бўлиб, шундан 340 таси ижобий ҳал этилган. Ушбу жараёнда юридик бўлим томонидан 24 нафар ходим вазифасига қайта тикланган ва 9 нафар ходим иш билан таъминланган. Меҳнат жамоаларида маданий-маърифий тадбирларни юқори савияда ташкил этишга ҳам алоҳида аҳамият берилди.

Ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш касаба уюшма фаолиятида муҳим ўрин тутади. Жумладан, санаторийларда 1692 нафар, санаторий-профилактарийларда 765 нафар ходим саломатлигини тиклади. Кам таъминланган ходимлар ва меҳнат фахрийлари, уруш қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар, Чернобил ҳалокати иштирокчиларига 150 та бепул йўлланма берилди.

Бундан ташқари, ўтган йили меҳнаткашлар фарзандларини соғломлаштириш режаси 105,4 фоизга бажарилди, яъни мавсумда 27215 нафар бола оромгоҳларда дам олдирилди. 8103 та оромгоҳ йўлланмаси хўжалик ва ташкилотлар томонидан бепул берилди. Биринчи навбатда, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган муҳтож оилалар ва ногиронларнинг фарзандлари имтиёзли йўлланма билан таъминланди. Шунингдек, 150 нафар қорақалпоғистонлик, 100 нафар тарбияси оғир бола Беруний оромгоҳида, 75 нафар иқтидорли ўғил-қиз Йўлдош Охунбобоев номли интеллектуал оромгоҳида соғломлаштирилди.

Мажлисда давлатимиз раҳбарининг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда белгилаб олинган устувор йўналишларни амалга оширишда ҳамкор ташкилотлар билан мустаҳкам алоқада ишлаш масаласи атрофлича муҳокама этилди.

Шунингдек, бошланғич ташкилотлар ишини янада фаоллаштириш, касаба уюшмалари ҳар бир инсон ҳаётининг ажралмас бўлагига айланиши зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Жамоа шартномалари орқали меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилишда сусткашликка йўл қўяётган баъзи бошланғич ташкилотларга тармоқ касаба уюшма вилоят ва туман кенгашлари томонидан услубий ва амалий кўмак беришнинг самарали йўллари белгилаб олинди.

Музокарада қатнашган вилоят ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари котибияти мудири А.Эркаев, агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси И.Сабдаров, таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар бирлашган қўмитаси раиси Ж.Тўрақулова, Талимаржон иссиқлик электр станцияси унитар корхонаси касабақўми А.Аширов, давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси И.Очилов, С.Насафий номидаги вилоят кутубхонаси касаба уюшмаси раиси С.Ражабованинг фикр-мулоҳазалари касаба уюшмалари фаолиятини янгиланиш жараёни талаблари асосида янада яхшилашга қаратилди.

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Ishonch

2012-yil 3-mart № 28 (3065)

Эътироф

## «Чимён», бағрингга қайтаман!

**Фарғона водийси тоғ-ён бағирларида жойлашган «Чимён» санаторийси гўзал ва мафтункор табиати билан барчани ўзига ром этади. Бундан 35 йил муқаддам ташкил этилган сиҳатгоҳ мустақиллик йилларида дам олувчилар билан янада гавжумлашди.**

— 14 йилдан буён шу масканга келиб соғлигимни тиклаб қайтаман, — дейди Қирғизистоннинг Ўш шаҳридан келган Араббой Бобочолов. — Ўзимизда ҳам сиҳатгоҳлар етарли. Аммо хушманзара табиати, ходимларининг ширинсуханлиги, самарали муолажалари мени «Чимён» сари чорлайверади. Бу ерда даволаниб, ошқозон ва нафас йўлларидаги хасталиклардан батамом фориғ бўлдим.

Бундай фикрларни ҳар бир дам олувчидан эшитиш мумкин. Зеро, табиат мусаффолиги, тошдан-тошга урилиб оқаётган сувнинг шилдираши, сершох дарахтзорлардаги турфа қушлар сайроғи кимни ҳам мафтун этмасин?!

— Кўпчилик «Чимён»ни «Ялта» ёки «Иссиққўл» санаторийларидан асло қолишмаслигини эътироф этади. Сиҳатгоҳимизнинг ана шу мақомини сақлаб қолишга, оромбахш чойхоналар, кўнгилли дам олиш воситалари турларини тобора кўпайтиришга ҳаракат қиляпмиз, — дейди санаторий раҳбари Каримбой Раҳмонов. — Маданият саройимизда қизиқарли тадбир, оммабоп томошалар деярли ҳар куни ўтказиб турилади. Бундан ташқари, қарийб ўн минг нусхага яқин китобларга эга кутубхона, биллиард, стол тенниси, шахмат-шашка хоналари қизиқувчилар ихтиёрида.

Овқатланиш борасида қатъий тартиб йўлга қўйилган. Дам олувчилар истаги асосида водий бўйлаб кундузги саёҳатлар ҳам ташкил этилади.

Мана, қорлар эриб, қирадирларни баҳорий яшиллик эгаллай бошлади. Кўкламнинг ташрифи мазкур гўша чиройига чирой қўшмоқда. Бундай мўъжизакор табиат қўйнида ҳордиқ чиқарган ҳар бир инсон қалбидан: «Бор бўл, бебаҳо маскан, бағрингга яна қайтаман!» деган гап ўтиши тайин.

**Мансур АЛОВУДДИНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Варракларда учган орзулар

**Халқимизда «Бўладиган бола бошидан маълум», деган ҳикматли гап бор. Дарҳақиқат, Худо берган истеъдод тўғри йўналтирилса, шахс камолотида муҳим ўрин тутади. Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида яшовчи Муроджон Ғаниев ва турмуш ўртоғи Манзурахон фарзандлари Мирёқуб ва Мирсаидни ҳар томонлама етук инсон этиб тарбиялаш ҳақида туну кун бош қотиришади.**

# Ака-ука уста-наққошлар

Болалар 257-мактабнинг фахрига айланган. Мирёқуб саккизинчи, Мирсаид олтинчи синфда ўқийди. Барча фанларни аъло баҳоларга ўзлаштиради. Мусиқа ва спорт тўгаракларида фаол қатнашади. Аммо уларнинг яна бир муҳим машғулоти бор. Ҳар иккиси ҳам ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланмаса-да, ўймакорлик ишларини ҳавас билан томоша қиларди.

Бир неча йил аввал у болаларини Абулқосим мадрасасидаги ҳунарманд усталар кўргазма дўконига олиб борди. Фарзандларининг бу ердаги санъат асарларига ҳавас билан боқканини кўрган ота кўп ўтмай, уларни шу ердаги наққош уста, 26 ёшли Рустам Исломовга шогирдликка берди. Уч йилдирки, ака-ука шу ҳунар сирларини устозидан қунт билан ўрганиб келишмоқда. Болалар наққошлик ишида асосан чинор, арча, ёнғоқ, ўрик ёғочлари ишлатилиши, шу оддий ёғочлардан қути, лавҳ, қаламдон, эшик ва ромларга нақш ўйишни ўрганишди.

Ўтган йили мактабда ўтказилган «Моҳир қўллар» кўргазмасида улар ясаган наққошлик санъати маҳсулотлари намойиш этилди. Айниқса, ўзига хос нақшлар билан безатилган қутичалар ҳамманинг эътиборини тортди. Бу ака-укага ўзгача куч ва завқ бағишлади.

Мирёқуб мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида ўтказилган «Менинг мафтункор ўлкам» мавзусидаги тасвирий ва амалий санъат кўргазмасида фаол иштироки, «Камалак жилоси» расмлар танловида 1-ўринни эгаллагани учун фахрий ёрлиқ билан мукофотланган.

— Ҳозир устозимдан наққошлик сирлари, унинг турларини ўрганяпман. Бу борада мактабда геометрия, чизмачилик, адабиёт, тарих фанларидан олган билимим қўл келмоқда. Бунинг учун барча устозларим ҳамда шу имкониятларни яратиб бераётган ота-онамга раҳмат дейман, — дейди Мирёқуб Ғаниев.

Мирёқуб Юнусобод тумани «Камалак» болалар ташкилоти ҳомийлигидаги Сардорлар кенгаши «Ватанпарвар» йўналиши сардори, Мирсаид эса «Олтин мерос» йўналиши сардори этиб сайланган. Ташаббускорлиги ва меҳнатсеварлиги билан тенгдошлари орасида ажралиб турадиган ака-ука мактабда ўтказиладиган барча тадбирларда фаол иштирок этади.

Жумладан, ногирон ва ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар учун «Камолотдан туҳфа», «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» лойиҳаси доирасида «Миллий халқ ўйинлари», «Варраклар сайли» фестивалларини, «Интеллектуал олимпиада» лойиҳаси доирасида «Сиз тарихни биласизми?» кўрик-танлови, «Ёзни «Камолот» билан» лойиҳаси доирасида «Сиёсий-ҳуқуқий саводхонлик» дарслари каби турли тадбирларда муносиб қатнашиб келмоқда.

Мирёқуб ва Мирсаид ўтган йил ноябр ойида Миллий санъат марказида ўтказилган «Базар-Арт» кўргазмасида иштирок этиб, ўзлари учун катта тажриба тўплашди. Шу соҳада меҳнат қилаётган кўплаб устозлардан маслаҳат ва тавсиялар олишди.

— Уларнинг бувиси, менинг онам Салтанат Тожиева ҳам машҳур ҳунарманд эди, — дейди Мурод ака. — Маҳалладошлар онамни кўп эслашади. Турмуш ўртоғим ҳам миллий кашталаримизни меҳр билан тикади. Ўғилларим билан доимий ва тартибли машғул бўламиз. Бир гал дам олиш куни устози буюртма бажараётганини эшитиб, олиб бордим. Уларнинг катта уста-наққошлар сингари сифатли ишлаганини кўриб, устози ҳам шод бўлди. Болаларимга иш ҳақи бермоқчи бўлди. Лекин улар унамагач, менга юзланиб: «Тўғри йўл тутибсиз. Агар улар ҳозир пул топишга қизиқиб қолишса, кейин арзимаган ишни ҳам шунчаки бажара олмай қолишади», деди. Шу-шу ҳозирга қадар улар меҳнатлари эвазига пул ўрнига махсус ёғочлардан олишади.

Ёш ҳунармандлар тез-тез Хасти-Имом, Абулқосим, Кўкалдош мадрасаларига бориб, у ердаги ёғоч ўймакорлигининг янги-янги чизмаларини ўрганиб, тажрибаларини янада орттиришмоқда.

Яна бир эътиборли томони, улар ҳар бир кундан унумли фойдаланиб, аниқ режа асосида иш юритади. Эрталаб мактабга, соат 15.00 да каратэ машғулотига боради, кечки пайт эса композициялар чизади. Ҳафтанинг баъзи кунлари фортепиано чалишни ўрганишади.

Шу кунларда истеъдодли ака-ука юксак ижодий ўйлар, режалар билан банд. Шахсий музей очиб, ижод намуналарини намойиш этиш — уларнинг эзгу орзуларидан.

**Комила БОЙМУРОДОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

Тадбир

**Жиззах шаҳар ҳокимлиги, маънавият-тарғибот маркази ҳамда «Камолот» ЁИҲ шаҳар кенгаши ҳамкорликда 7-ўрта мактабда «Оммавий маданият» нима?» мавзуида давра суҳбати ўтказди.**




Рассом: Баҳром ТОЖИЕВ

# «Оммавий маданият» — емирувчи куч

Сўзга чиққанлар Ғарб мамлакатларида ўтган асрнинг иккинчи ярмида шаклланган, «популяр» ёки «попкультура» (яъни «оммавий маданият») деб аталадиган қўштирноқ ичидаги бу сўзлар миллий менталитетимиз, ота-боболаримиздан қолган урф-одатларимиз, қадриятларимизга зид бўлган зарарли иллатлар мажмуи бўлиб, миллий маданиятнинг чинакам кушандаси эканлигини таъкидлаб ўтишди.

— Албатта, халқимиз, жумладан, ёш авлод Ғарб фан-техникаси, маданияти, адабиёт ва санъатининг илғор жиҳатларини инкор этмайди. Бироқ тараққийпарвар зиёлилар «Ғарбнинг муаммоси» сифатида баҳолаётган «оммавий маданият»нинг маънавий-ахлоқий тубанликларини ёшларимиз қанча тез англаса, шунча яхши, — деди шаҳар маънавият-тарғибот маркази раҳбари Ҳабиба Қурбонбоева. — Жаҳонда юз бераётган сиёсий, мафкуравий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва эстетик манфаатлар йўналишидаги ошкора ва хуфия курашларнинг емирувчи таъсиридан фарзандларимизни огоҳ этиб боришимиз лозим.

Тадбирда мавзуга оид замонавий интерактив ўйинлардан кенг фойдаланилди. Айни кунда барча таълим муассасаларида шу мавзудаги тадбирлар ташкил этилмоқда.

**Ҳаким ФОЗИЛОВ**

*Жиззах шаҳри*

# Бекатдаги севги

Руҳият

*Каллаи саҳарлаб уйғониб, деразадан ташқарига назар солдим. Қарадим-у, ўрнимдан сакраб турибкетдим. Табиат ўзининг оппоқ гиламини тўшаб бўлган, пағалаб ёғаётган қор ҳали-бери тинадиганга ўхшамасди. Бир муддат қорнинг ёғишига маҳлиё бўлдим. Апил-тапил чой ичиб, кўчага ошиқдим. Чиқишим билан димоғимга ёқимли ҳаво урилди.*

*Бекатгача қорни ғирчиллатиб босиб борарканман, ҳар бир қадамимдан гўё мусиқа оҳанги пайдо бўлаётгандай эди. Автобус ҳам кўп кутгирмади. Чиқмоқчи бўлиб турганимда, чопиб келаётган қизга кўзим тушди. У қолиб кетмаслик дардида эди. Яқинимга етиб келганида сирпаниб, мувозанатини йўқотди. Одамлардан уялдими ёки бошқа бир сабабми ўзини оғриқ сезмаётгандек кўрсатиб, қўлларини ерга тираб, ўрнидан туришга уринди. Мен унга ёрдамлашиб юбордим.*

*— Раҳмат, — дея палтосининг орқа қисмига ёпишган қорни қоқди. Ортидан автобусга чиқдим.*

*Эрталабдан тиқилинч эмасми, иккаламиз эшик олдида қолдик. Ичимда бир куч унинг суҳбатини ол, дея даъват этарди. Аммо гапни нимадан бошлашни билмай, бошим қотди. Ўзимни гапга нўноқлигим учун койидим. Кейин журъат қилиб, аҳвол сўраган бўлдим.*

*— Боя ёмон тушмадингизми?*

*— Йўқ, ҳаммаси жойида.*

*Шу билан суҳбатимиз тугади. Фақатгина манзилига етиб, автобусдан тушаётганида мулойим жилмайиб, хайрлашган бўлди. Аслида, биринчи учрашувда шугина табассумнинг ўзи катта мукофот эди. Шу куни вақтнинг ўтиши жуда оғир бўлди. На дарслар қулоққа кирарди, на бошқа нарсалар...*

*Тунни бир амаллаб ўтказиб, тонгда тараддудга тушдим. Негадир, ўзимни кўпроқ кўзгуга сола бошладим. Аввалларибу ўзимга қадар кўп эътибор бермас эдим. Кийим танлаш борасида ҳам бош қотирдим. Бир қарашда мени шундай ўзгартириб юборган қизга чиройли кўринишни истардим.*

*Бекатга бориб, автобус эмас, ҳатто исмини ҳам билмайдиган муҳаббатимни кута бошладим. Бир муддатдан сўнг у кўринди. Ичимдан севиниб кетдим. Аммо бу қувонч у қадар узоқ давом этмади. Журъатсизлигимдан панд едим. Нимадан гап бошлашни ўйлагунимча у автобусга чиқиб кетди...*

*Учинчи кун. Бу тонг ўзимга-ўзим сўз бердим. Бугун, албатта, у билан гаплашиб оламан. Бироқ, яна уни кўрганимда ўзимни йўқотиб қўйдим. Бу орада автобус келиб қолди. Ортидан чиқдим. Йўл-йўлакай гап бошлашга уриндим-у, оғиз очишга ҳаддим сиғмади. Гўё бутун автобусдаги йўловчилар менинг ўзимни пойлаб тургандек. Қиз ўзининг бекатида тушди. Мен ортидан эргашдим. Бир қанча масофани босиб ўтганимиздан сўнг ниҳоят қиз тўхтади ва:*

*— Нега ортимдан келяпсиз? — деди.*

*Мендан садо чиқмади. У жавобимга маҳтал бўлишни истамай мен кутаётган масалада сўз очди.*

*— Нима учун бундай қилаётганингизни яхши биламан. Лекин мендан хафа бўлманг! — дея қўлини кўтариб, бармоғига ярашиб турган никоҳ узугини кўрсатди. — Мен турмушга чиққанман. У кетди. Бутунлай кетди...*

**Зуҳриддин РАҲМОНОВ,**
**талаба**

**«Respublika mulk markazi» YoAJ «Poytaxt filiali» бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

I. Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.05.2011 йилдаги 153-сонли қарорига мувофиқ, «MARKAZSANOATEKSPORT» ДАТС компаниясининг 2012 йил 27 февралдаги НА-28/36-1284-сонли хатига асосан, «MARKAZSANOATEKSPORT» ДАТСК балансидаги, Тошкент шаҳар М.Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ-кўчаси 107-уй манзилида сақланаётган, **ДЭУ «Нексия»** русумли, д/р 01 204 КВА бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 13 500 000 сўм**

II. Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.05.2011 йилдаги 153-сонли қарорига мувофиқ, ҳамда Зангиота тумани Кенсой Агросаноат ва Бизнес касб-ҳунар коллежи 2012 йил 29 февраль №01/34 сонли хатига мувофиқ Тошкент вилояти Зангиота тумани, Ҳасанбой ҚФЙ Кенсой қишлоғи, Н. Обидов кўчаси, 1-уй манзилда сақланаётган, «М-412» русумли, д/р 10 763 ЈАА бўлган, 1981 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 510 000 сўм.**

**Аукцион савдоси 2012 йил 4 апрел куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.** Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 2 апрел куни соат 18:00.

Юқоридаги мулк 2012 йил 4 апрелдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 18 апрел ва 2 май кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 18 апрелдаги савдолар учун 16 апрел куни соат 18:00; 2 майдаги савдолар учун 30 апрел куни соат 18:00

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Юқоридаги автотранспорт воситаларининг аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Respublika mulk markazi» YoAJ «Poytaht filiali»нинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000500571452141, МФО: 01036, ИНН 200933850 ОКОНХ 83300 Манзил: Тошкент ш., Миробод т., Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«а» уй. Телефон:233-20-96. www.rmm.uz.

**Ўтганларнинг охирати обод бўлсин**

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилоят кенгаши жамоаси Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Хўжаобод туман кенгаши раиси Адҳамжон Аҳмаджоновга укаси

**АНВАРЖОН**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

O'KUF FTUU

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:
Normamat ALLAYOROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To'lqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib), Anvar YUNUSOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99894 226 28 84;
Namangan + 99897 491 79 28;
Samarqand + 99866 708 70 12;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99873 221 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: ishonch2011@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
A. Toshev

Navbatchi:
S. Abdurahmonov

Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H. Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bosishga topshirish vaqti - 21. 00
Topshirildi - 21.15

Buyurtma Г — 311

23549 nusxada bosildi

1 2 3 5